

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

» Ҳуқуқий тадқиқотлар
» Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
» Тарих саҳифаларидаги изланишлар
» Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
» Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
» Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
» Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
» Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
» Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
» Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
» Физика-математика фанлари ютуқлари
» Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
» Кимё фанлари ютуқлари
» Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
» Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
» Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

31 DEKABR
№35

doi Crossref

CONFERENCES.UZ

# “ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ” 5-ҚИСМ

# «ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА» ЧАСТЬ-5

# «INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF UZBEKISTAN» PART-5

ТОШКЕНТ-2021

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари"** мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Узбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

**1. Узаков Кахрамон Пазилдинович**
МФҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА ИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЮРИТИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ........ 7

# ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

## МФҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИДА ИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЮРИТИШНИ ТЎҒРИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Узаков Кахрамон Пазилдинович**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси ўқитувчиси
Тел: +99893 979-26-86 // e-mail: qahramon_86@mail.ru

**Аннотация:** Мазкур маъруза тезисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иш юритишни самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва ўзига хос жиҳатлари ёритилган. Тезис давомида фуқаролар йиғини ходимларининг уларнинг малакасини ошириш тизимига алоҳида эътибор берилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролар йиғини, низом, ҳужжат, иш юритиш, сўровнома.

2021 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда «Маҳалла раиси – ислоҳотчи» тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг янги тизими жорий этилади.[1]

Бошқарув соҳасидаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири айни соҳа ходимларининг кўпчилигида назарий ва амалий тайёргарликнинг бўшлигидир, улар муассаса, ташкилот ва корхоналарда қабул қилинган ҳужжатлар билан ишлаш йўриқлари, усуллари ва йўллари мажмуини етарли даражада билмайдилар.[2]

Ҳисоб-китобларга қараганда, раҳбар вақтини 50-90% ини ахборотларга ва ҳужжатлаштиришга сарфлайди. Ахборотни узатиш ва ҳужжатлаштириш кўп холларда раҳбар ходимнинг қобилиятига ҳам боғлиқ.[3]

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти кўп тармоқли бўлганлиги сабабли тизимда иш ҳужжатларини тўғри юритиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Фуқаролар йиғинида иш юритишни ташкил этишда юқорида санаб ўтилган қонун ва қонуности ҳужжатлари билан бир қаторда айнан фуқаролар йиғинида иш юритишни ташкиллаш учун хизмат қилувчи қуйидаги қонун ва қарорларга ҳам мурожаат қилинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқейини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5700-сонли фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 380-сонли қарори.[4]

Булар орасида Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 380-сонли қарори алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби фуқаролар йиғинида асосан фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ва кенгаши фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда фуқаролар йиғини раиси ва ходимлари фаолиятига оид ҳужжатлар юритилиб, уларнинг фаолиятига оид тартиб-қоидалар ҳукуматнинг айнан юқоридаги қарори билан тасдиқланган низомларда ўз ифодасини топган.

Ушбу қарорнинг 5-иловаси билан Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этиш, бошқарув ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда уларнинг ижросини таъминлаш, йиғинга тушган ҳужжатларни рўйхатга олиш масалаларини тартибга солувчи "Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланган. Ушбу низомнинг 3-иловаси билан йиғмажилдлар номенклатураси шакли тасдиқланган бўлиб,

ҳар бир фуқаролар йиғини ушбу шакл асосида ўзининг йиғмажилдлар номенклатурасини ишлаб чиқиши белгиланган. Бу эса фуқаролар йиғинларида иш юритишда ноқулайликлар ва ностандартликни келтириб чиқармоқда.

Мазкур низом билан фуқаролар йиғинида иш юритишни ташкил этиш ким томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Унга кўра Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) иш юритишнинг тўғри йўлга қўйилишини таъминлаш мақсадида ходимлардан бирини фуқаролар йиғинида иш юритишни ташкил этиш ва олиб бориш бўйича масъул этиб белгилайди.

Фуқаролар йиғини ходимларининг йиғинда иш юритишни ташкил этиш ва олиб бориш борасидаги билим ва кўникмаларини аниқлаш мақсадида "telegram.org" ижтимоий тармоғидаги ФЎЎБОлари ходимларидан иборат гуруҳ ва каналларда махсус сўровнома ўтказилди. Сўровномада жами 583 нафар фуқаролар йиғини ходимларидан иборат респондент иштирок этди.

Ўтказилган сўровномага асосан фуқаролар йиғини раислари ва ходимлари юқоридаги тартибдан етарлича хабардор эмаслиги маълум бўлмоқда. Бу эса фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил этишда турли ноқулайликларни туғдирмоқда. (1-расм)




1-расм

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасига асосан фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин. Аммо ўтказилган сўровномага асосан амалда деярли ҳеч бир маҳалла йиғинида кенгаш девони фаолиятини ташкил этмаган. Буни ўтказилган интервью сўровида йиғин фуқаролар йиғини раисларининг кўпчилиги девон ходими штат бирлиги иш ҳақи учун молиявий имкон йўқлиги билан изоҳлашган.

Амалдаги тартибга асосан фуқаролар йиғини ходимлари 3 йилда камида бир марта малака ошириши белгиланган бўлиб, амалда уларнинг 2,5-3 йилда бир марта малака оширишни таъминланади. Ўтказилган сўровномада соҳа ходимларининг иш юритиш борасидаги билимлари етарли эмаслиги кузатилди. Бу эса уларнинг малака ошириш оралиқ муддатларини қисқартиришни талаб этмоқда. Бу борада соҳа ходимлари бир йилда камида бир марта малака оширишга эҳтиёжлари борлигини маълум қилишмоқда. (2-расм)




2-расм

Юқоридагилардан келиб чиқиб бугунги маҳалла раислари ва ходимларини иш ҳужжатларини юритиш ҳамда ижро интизомига оид билим ва кўникмаларини ривожлантириш зарурлигини ҳисобга олиб, уларнинг бир йилда камида бир марта малака оширишларини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун аввало малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилиш лозим. 2013 йил 10 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2050-сонли қарори билан ҳудудларда ташкил этилган ФЎЎБО ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари фаолиятини замон талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш зарур. Бу йўлда маънан эскирган ушбу ҳужжатни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, соҳа ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи махсус онлайн платформа фаолиятини йўлга қўйиш зарур.

Бундан ташқари республикадаги барча ФЎЎБО ягона шаклдаги йиғма жилдлар номенклатурасини ишлаб чиқиш, унинг асосида фуқаролар йиғинларидаги йиғма жилдларни шакллантириш, ҳужжатларни юриш, сақлаш ва архивлаштиришни тартибга солиш таклиф этилади. [5]

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2020 йил 13 декабр. https://yuz.uz/news/mahalla-raisi--islohotchi

2. Головач А.С. “Оформление документов”. Киев–Донецк, 1983.

3. Бойматова У., Собиржонова Д., Сагдиева С. “Иш юритиш асослари” ўқув қўлланмаси. Тошкент молия институти. Тошкент, 2004.

4. https://lex.uz/docs/5461749

5. А.Ахмедов. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил эти: Фарғона, 2015

# “ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

**(5-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000